

Шодлик ва бахт куйчиси, истеъдодли шоир, драматург, олим, давлат ва жамоат арбоби Хамид Олимжон 1909 йил 12 декабрда Жиззах шахрида дунёга келди. Наримонов номидаги бошлангич мактабни тугатгач, Самарканд педагогика билим юртида (1923-1926) Ўзбек Педакадемиясида (1926-1931) ўқиди.

Хамид Олимжон талабалик йилларидаёқ шеър ёзди. Унинг асарлари 1926 йилдан «Зарафшон» газетасида чика бошлади. 1927 йилда шоир мазкур рўзнома мухарририятига ишга ўтди.

Хамид Олимжоннинг «Кўклам» номли илк шеърий тўплами 1929 йилда босилиб чиқди. Шундан сўнг «Олов сочлар» (1931), «Ўлим ёвга» (1932), «Пойга» (1932) каби шеърий тўпламлари нашр этилди.

Давр билан бирга одим ташлаган, ўз ижодида халкимизнинг меҳнат кахрамонлигини тасвирлаган шоир 30-йилларда адабиётимизда сиёсий лириканинг энг яхши намуналарини яратди.

Хамид Олимжон поезиясининг лирик кахрамони — ватанпарвар инсон, «Водийларни яёв кезганда» ўша лирик кахрамонга янги турмуш яратувчиси сифатида жаҳонга танилди. Ана ўша лирик кахрамон Улуг Ватан уруши йилларида «Жангчи Турсун» бўлиб гавдаланди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси (1943) Хамид Олимжон ўзбек адабиётининг долзарб масалалари бўйича катор илмий-танкидий асарлар яратди.

Хамид Олимжон А.С. Пушкин, Л.Н. Толстой, М. Горкий, В. Маяковский, А. Серафимович, Т. Шевченко, М. Лермонтов, Н. Островский, А. Корнейчук асарларга таржима килди ва улар хакида маколалар ёзди.

Ўзбек халқ оғзаки ижодининг ажойиб дурдона асари «Алпомиш» достони биринчи марта Хамид Олимжон томонидан нашрга тайёрланиб, сўз боши билан (1938) чоп этилди. У Алишер Навоийнинг 500 йиллигини ўтказиш юбилейи комитетининг аъзоси сифатида улуг шоир хаёти ва ижоди юзасидан илмий-тадқиқот ишларини олиб борди.

Хамид Олимжон 1939 йилдан то умрининг охирига Ўзбекистон Ёзувчилари уюшмасига раҳбарлик килди.

Хамид Олимжон ўзининг «Дарё кечаси» (1936), «Чирчик сохилларида» (1937), «Ўлка» (1939), «Бахт» (1940) тўпламлари, «Икки кизнинг хикояси» (1935-1937), «Ойгул билан Бахтиёр» (1937), «Зайнаб ва Омон» (1938), «Семург» (1939) дostonлари билан новатор шоир сифатида даврининг илгор гоаяларини тараннум этди.

Улуг Ватан урушининг оловли йилларида унинг «Муканна» номли шеърий драмаси яратилдики, у ханузгача драматургиямизнинг гултожи бўлиб келаётир. Уни «Жиноят» драмаси замонавий мавзуда ёзилган. Бу даврда унинг бир неча шеърий тўпламлари билан бир каторда «Жангчи Турсун», «Роксананинг кўз ёшлари» каби катор балладалари ҳам яратилди.

Истеъдодли шоир Хамид Олимжоннинг кўпчилик асарлари кардош халқлар ва хорижий халқлар тилларига таржима килинган.

Шоир 1944 йилда автомобил халокатига учраб вафот этган.